

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

2016/2017 Ўқув йилида ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИГА Ўқишга қабул қилиш тўғрисида

Республика иқтисодиёти тармоқлари ва минтақаларида талаб этиладиган иқтисодчилар бўйича юқори малакали кадрларни сифатли тайёрлашни таъминлаш, олий таълим муассасаларига қабул қилишда иш берувчиларнинг олий маълумотли мутахассисларга бўлган талаб-эҳтиёжларини, шунингдек, иқтисодиётда таркибий ўзгартиришларнинг мақсадли ўрта муддатли дастурларини амалга ошириш, тармоқларни модернизациялаш, техник қайта жиҳозлаш ва диверсификациялашни, мамлакат минтақаларини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни ҳисобга олган ҳолда ўзаро боғлиқлиги ва мутаносиблигини кучайтириш мақсадида:

1. Маълумот учун қабул қилинсинки, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Меҳнат вазирлиги, Молия вазирлиги, ўз тасарруфида олий таълим муассасалари бўлган вазирликлар ва идоралар билан биргаликда, акциядорлик компаниялари, ҳўжалик бирлашмалари ва корхоналар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари иштирокида:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 23 июндаги "Республика олий ўқув юртларига қабул қилиш параметрларини шакллантириш механизмининг янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-2360-сонли Қарорига мувофиқ олий ўқув юртларига қабул қилиш параметрлари ва янги қурилаётган корхоналарнинг ҳудудий жойлашуви, иқтисодиётдаги таркибий ўзгартиришлар бўйича дастурий чора-тадбирларни, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник қайта жиҳозлаш ва диверсификациялаш, йўл-транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфраструктурасини ривожлантириш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш омилларини таҳлил қилишни ҳисобга олган ҳолда олий ўқув юртларининг битирувчиларига нисбатан иш берувчиларнинг талаб-эҳтиёжи баланс

ҳисоб-китоблари ишлаб чиқилди; иқтисодиёт тармоқлари ва секторларининг олий маълумотли мутахассислар билан амалда таъминланганлигини экспертизадан ўтказиб баҳолаш натижаларига кўра бакалаврият тайёрлашнинг 18 та янги мутахассислиги жорий этилишини назарда тутувчи олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлар рўйхатига тегишли ўзгартиришлар киритилди;

олий ўқув юртларининг аниқ йўналишлар ва мутахассисликлар бўйича битирувчиларига нисбатан истиқболга мўлжалланган талаб-эҳтиёжга, шунингдек, битирувчиларнинг танланган мутахассислик бўйича ишга жойлашуви мониторингинг асосида 2016/2017 ўқув йилида олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш квоталари шакллантирилди.

2. 2016/2017 ўқув йили учун: бакалаврларни 57907 нафар, шу жумладан, давлат грантлари бўйича – 19120 ва тўлов-контракт асосида – 38787 нафар миқдорида 1-иловага мувофиқ; магистрларни 5000 нафар, шу жумладан, давлат грантлари бўйича – 1548 ва тўлов-контракт асосида – 3452 нафар миқдорида 2-иловага мувофиқ; Тошкент кимё-технология институти (Кўнгирот бўлими)нинг махсус сиртки бўлимида бакалаврларни тайёрлаш давлат грантлари бўйича 65 нафар ва Тошкент ахборот технологиялари университети махсус сиртки бўлимида – 50 нафар, шу жумладан, давлат грантлари бўйича – 15 нафар ва тўлов-контракт асосида – 35 нафар қабул қилиш умумий квоталари 3-иловага мувофиқ белгилансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази, Тошкент тиббиёт академиясининг 2016/2017 ўқув йилидан бошлаб Тошкент тиббиёт академиясининг Урганч филиалига ўқишга қабул қилишни тўхтатиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

Давоми 2-бетда. ➡



Шу кунларда барчамиз катта спорт байрами шукуҳи билан яшаймиз. Водий гавҳари бўлмиш гўзал Фарғонада олий таълим муассасалари талабалари ўртасида ўтказиладиган "Универсиада – 2016" спорт мусобақалари кизгин давом этмоқда. "Универсиада – 2016" спорт ўйинларининг дебоҳаси вилоятимиздан бошлангани, албатта, барчамизга улкан гурур бағишлади. Аънаана мувофиқ, 25 май куни Паркент туманидаги "Физика-Қуёш" илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси Материалшунослик институтида "Универсиада – 2016" спорт мусобақалари машъаласи аланга олдирилди.

Давоми 2-бетда. ➡

СПОРТ МАЙДОНЛАРИДАН – ҲАЁТ МАЙДОНЛАРИГА



КўЛАМЛИ ДАСТУРЛАР РЎЁБИ

Республика Адлия вазирлигида ўтказилган матбуот анжуманида адлия органларининг фуқароларга юридик хизмат кўрсатиш фаолиятини янада такомиллаштиришга қаратилган янги лойиҳалар ҳусусида оммавий ахборот воситалари вакиллари маълумот берилди.

Матбуот анжумани

Таъкидланганидек, сўнгги йилларда суд-хуқуқ тизимини либераллаштириш, фуқароларнинг малакали

юридик хизматдан фойдаланиш имкониятини бекиёс кенгайтирмоқда. Адвокатура соҳасини юқори малакали

кадрлар билан таъминлаш асосида соҳа ривожига йўнатилган ишловлар амалга оширилмоқда.

Учрашувда журналистлар ФХДБ ва нотариат соҳасига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, кадрлар таъминоти, йил дастури ижроси билан боғлиқ ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

Маҳлиё ИСРОИЛОВА.

Рағбат

Мамлакатимизда ёшларнинг интилиш ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, имкониятларини рўйбга чиқаришга кўмаклашиш, тадбиркорлик фаолиятини

рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани туфайли ўз иқтисодини намоён этаётган йигит-қизлар сафи кенгайиб бормоқда.

ИҚТИДОР ЁШДА ЭМАС

Мусажон Фарҳодов ўрта Чирчиқ ижтимоий-иқтисодиёт касб-ҳунар коллежининг учинчи бос-

қинчида ўқиб юрганда тадбиркорликка қизиқа бошлади. Ўшанда коллежда тадбиркорлар ва ишби-

витирувчилар учун учрашув ташкил этилиб, иштирокчиларга тадбиркорлик фаолиятига оид ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар,

Давоми 2-бетда. ➡

Болалар ёзи – 2016

"Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди томонидан "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти ва Халқ таълими вазирлиги билан ҳамкорликда "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури ижроси доирасида болаларни ёзги таътил даврида соғломлаштириш ва дам олдириш бўйича савий-ҳаракатлар бошлаб юборилди.

ТАЪТИЛ МАРОҚЛИ БОШЛАНДИ

Президентимиз раҳнамолигида ҳар бир ўғил-қизга меҳр ва эътибор кўрсатиш, уларни ижтимоий-маънавий қўллаб-қувватлаш, орзу-истакларига қанот бағишлашга алоҳида эътибор қаратилаётир.

Тошкент вилоятидаги Меҳрибонлик уйлари, махсус мактаб-интернатлар тарбияланувчилари, имконияти чекланган болалар учун Самарқанд шаҳрига уюштирилган саёҳат шундай тадбирлардан биридир.

"Она Ватан тарихи" шiori остида ташкил этилган саёҳат давомида кичкинтойлар қадимий ва навқирон Самарқанднинг ноёб обидалари, маданият ва спорт мажмуалари, маданий-маърифий иншоотлар, сайилгоҳлар, истироҳат боғлари билан танишди. Регистон майдони, Амир Темури макбараси ва бошқа қадимжолар, Самарқанд тарихи музейи болаларнинг аждодларимиз ўтмиши билан боғлиқ билимини янада мустаҳкамлади.

Ўқувчиларнинг таътилни мароқли ўтказиши учун уюштирилаётган бундай саёҳатлар ўғил-қизларда она Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат туйғуларини ўстиришга хизмат қилади.

Б. МЕЛИҚУЛОВА,
ЎЗАМ мухбири.

ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ

Вилоят ҳокимлигида Халқ депутатлари вилоят Кенгаши ҳузуридаги Ижтимоий шериклик бўйича жамоат комиссиясининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.

Вилоят ҳокимлигида

Унда Олий Маҳлиси ҳузуридаги Парламент, Халқ депутатлари вилоят Кенгаши ҳузуридаги ижтимоий шериклик бўйича жамоат комиссиялари аъзолари, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати бўлими раислари, тиббиёт бирлашмалари раҳбарлари, маданият ва спорт бўлимлари бошлиқлари, вилоятда фаолият юритаётган бир қатор нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

Мамлакатимизда истиқлол йилларида фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш, ижтимоий шериклик, фуқаролик жамияти институтлари, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини такомиллаштириш, ижтимоий муносабатларнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмининг шакллантириш, давлат ва жамоат ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва ННТлар фаоллигини ошириш-

да "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни муҳим аҳамият касб этмоқда.

Комиссиянинг навбатдаги йиғилиши биринчи чорақдаги вазифалар ижроси ва келгусида амалга ошириладиган ишлар муҳокамасига бағишланди.

Унда жисмонан соғлом, маънан етук авлодни тарбиялашда ижтимоий шерикликни янада кучайтириш ва соҳага фуқаролик жамияти институтлари грант лойиҳаларини кенг жалб қилишнинг истиқболли йўналишлари, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини янада юксалтиришда ННТ ва давлат ташкилотлари ўзаро ҳамкорлигининг аҳамияти ҳусусида сўз борди.

Таъкидланганидек, вилоятдаги мавжуд 720 дан зиёд ННТлар аҳолининг ҳуқуқ, манфаат ва эркинликларини ҳимоя қилиш, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, экологик муаммоларни ҳал этиш, соғ-



лом турмуш тарзини тарғиб этиш, хайрия фаолиятини тараққий эттириш каби қатор йўналишлардаги давлат дастурларида мунтазам иштирок этмоқда.

Буни ўтган йили Олий Маҳлиси ҳузуридаги ННТларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди эълон қилган 6 та грант танловда вилоятимиз ННТларининг 15 та лойиҳаси 301 миллион сўмдан ортиқ миқдорда молиялаштирилгани, жорий йилда эълон қилинган дастлабки 2 та танловда эса 3 та лойиҳа грант соҳиби бўлгани мисолида ҳам

кўриш мумкин.

Йиғилишда, шунингдек, вилоятнинг чекка ҳудудларида фаолият юритаётган ННТлар фаоллигини янада ошириш лозимлиги таъкидланди. Қизгин муҳокамалардан сўнг келгусида амалга оширилиши лозим бўлган ишлар юзасидан зарур чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Йиғилишда вилоят ҳокимиятининг биринчи ўринбосари Исроилжон Эргашходжаев иштирок этди.

Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.
Қобилжон ҒОФУРОВ
олган сурат.

Кучли фуқаролик жамияти сари

Вилоятимиз бўйлаб қизгин давом этаётган фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловининг ошқоралик, муқобиллик ва тенглик тамойиллари асосида ўтказилишида жойлардаги кўмаклашувчи комиссия ва ишчи гуруҳлар томонидан кўрилган пухта ҳозирлик муҳим аҳамият касб этмоқда.

БЕЛНИ МАҲКАМ БОҒЛАНГ, ОҚСОҚОЛ

– Сайловнинг ушқоқлик билан ўтишида ҳудудимиздаги ҳар бир сайловчининг ҳиссаси бор, – дейди Халқ депутатлари Чирчиқ шаҳар Кенгаши қошидаги кўмаклашувчи комиссия раиси Дониёр Азизхўжаев. – Фуқароларимиз маҳалла тақдири, унинг гуллаб-яшнаши кўп жиҳатдан сайланадиган раисга боғлиқлигини ҳис қилган ҳолда сайловларда фаол катнашишмоқда. Шаҳримиз бўйича 44 раис ва унинг 400 га яқин маслаҳатчиси сайланиши кўзда тутилган бўлиб, ҳозирга қадар ушбу муҳим тадбир 18 та йиғинда бўлиб ўтди. Унда раисдан ташқари 160 дан ортиқ маслаҳатчиларнинг ҳам муқобиллик асо-

сида сайланишига эришилди.

Шаҳардаги "Маданият" маҳалласида 3 минг 300 дан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Сайлов жараёнида вакиллар номзодларнинг дастурларини диққат билан тинглашди. Маҳаллани ободонлаштириш, ёшларни турли тўғарақларга жалб этиш, ҳудудда спорт майдончалари қуриш каби ташаббуслар билан чиққан номзод йиғинининг янги раиси этиб сайланди. 16 нафар номзод ичидан сайланган 8 маслаҳатчи ҳам эл-юрт ўртасида ҳурмат-эътиборга эга, фаол ва ташаббускор маҳалладошлар орасидан сараланди.

Давоми 2-бетда. ➡

Фуқаро муҳофазаси

Юқори Чирчиқ туманида "Бошқарув органлари, ФВДТ ҳудудий ва функционал қўйи тизимларининг табиий ва техноген хусусиятлари фав-

қулдда вазиятлар оқибатларини бартафат этиш бўйича ҳаракатлари" мавзuida қўмондонлик-штаб ўқув машқи ўтказилди.

ТАЙЁРГАРЛИК – ТОБЛАНИШ ДЕМАК

Вилоят ФВДТнинг ҳудудий қўйи тизими туман бўйича бошқарув органларига юкланган вазифаларни ўз вақтида, сифатли бажарилишини аниқлаш, ички ҳабар бериш фаолиятини амалда текшириш, фавқулдда вазиятларда аҳолини тўғри ҳаракат қилишга ўргатиш мақсадларида уюштирилган ўқув машқи уч кун давом этди.

Машқлар давомиди табиий ва техноген тусдаги фавқулдда вазиятлар содир бўлганда тез ҳаракатланиш, тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш, штаб тузиш, жабр кўрганларга биринчи тиббий ёрдам кўрса-

тиш, аҳолини хавфсиз ҳудудларга кўчириш, ҳудудларда зарарсизлантириш ишларини олиб бориш каби кўплаб тадбирлар амалга оширилди. Мазкур жараёнда 3400 дан зиёд иштирокчи жалб қилинди. 228 та техник воситалардан фойдаланилди.

Шунингдек, қўмондонлик-штаб ўқув машқлари доирасида кўргазмалари "Фуқаро муҳофазаси қўйи" ва "Ёш кўтқарувчи"



Жамила РАҲИМОВА.
Мансур НАХАЛОВ
олган сурат.

ТАРҒИБОТНИНГ ТАЪСИРЧАН КУЧИ

Бугун жаҳон интернет тармоғи улкан ахборот майдони сифатида глобал қўлам касб этди. Шу билан бирга бу жараёнда ахборот хавфсизлигини таъминлаш энг долзарб вазифа бўлиб қолди.

Тадбир

Аввало, интернетдан самарали фойдаланиш хусусида ёшлар ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш, ёт ғояларга алданмай, соғлом фикрлашга ундаш зарур. Республика Маънавият тарғиботи маркази томонидан "Диний экстремизм ва интернет хуружлари" мавзuida ташкил этилган давра суҳбатиди шулар хусусида сўз борди.

Олимлар, маънавият тарғиботчилари, маданият ва санъат намояндалари, педагоглар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этган тадбирда диний экстремизмнинг аянчи оқибатлари, ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг долзарб масалалари алоҳида тўхталинди. Шунингдек, зарарли таҳдидларнинг олдини олишда замонавий тарғибот усуллари янада кенгроқ фойдаланиш, улардан ҳимояланиш йўл-йўриқлари ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Мукҳаддас ИСРОИЛОВА,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

«ЭНГ ФАОЛ СПОРТ ЖУРНАЛИСТИ» ТАНЛОВИГА МАРҲАМАТ!

Мамлакатимизда оммавий спортни янада ривожлантириш, унинг моҳияти ва аҳамиятини кенг жамоатчиликка атофлича етказиш, бу борадаги тарғибот ва ташвиқот ишларини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон

Миллий телерадиокомпанияси ҳамда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюشمаси ҳамкорликда "Энг фаол спорт журналисти" республика танловини ўтказди.

Танловга 2015 йил 1 июндан 2016 йил 1 июнгача газета ва журналларда, интернет нашрларида эълон қилинган материаллар, эфирга узатилган телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар қабул қилинади.

Танлов ғолиблари учун қуйидаги мукофотлар таъсис этилган:

- 1-мукофот – энг кам иш ҳақининг 20 баробари миқдорида;
- 2-мукофот – энг кам иш ҳақининг 15 баробари миқдорида;
- 3-мукофот – энг кам иш ҳақининг 10 баробари миқдорида.

Танлов доирасида рағбатлантирувчи мукофотлар ҳам кўзда тутилган.

Тавсия этилаётган телевидение бўйича видеоматериаллар, ахборот ташувчи воситани қандай кўришда бўлишидан қатъи назар, 3

дақиқадан 30 дақиқача, радиоешиттиришлар (системали диск ёки флешка) 5 дақиқадан 30 дақиқача бўлиши керак. Матбуот ва интернет материаллари даврий нашрнинг асл нусхаси ёки кўчирма нусхасида тақдим этилади.

Материаллар (бештадан кам бўлмаган ҳолатда) танловга таҳририят тавсияси билан жорий йилнинг 15 июнигача муаллифнинг иш жойи, телефони, манзили ва профессионал фаолияти ҳақидаги маълумотлар ва паспорт нусхаси илова қилинган ҳолда тақдим этилиши лозим. "Энг фаол спорт журналисти" тан-

лови ғолибларига мукофотлар Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кўнига бағишлаб 27 июнда ўтказиладиган байрам тадбирида топширилади.

Материаллар "Энг фаол спорт журналисти" танловига деб кўрсатилган ҳолда қуйидаги манзилга юборилиши лозим: Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 5-уй. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги. Барча фаол спорт журналистларини танловга иштирок этишга таклиф қиламиз. Телефонлар: 239-46-21, 239-44-78.

Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичида) йўналишларда йўловчилар ташини ташкил этиш виллоят комиссияси томонидан 2016 йил 29 июнь соат 10.00 да очик тендер ўтказилади

1. ВХ-411 "Янги турмуш қишлоғи-Пискент АШБ"
2. ВХ-412 "Бука АШБ-Олмалик АШБ (Суви орқали)"
3. Битта пакет билан: ВХ-415а "Қизилтоғ қ.-Қўйлиқ АШБ (Енбек орқали)"
4. ВХ-416 "Қизилтоғ қ.-Тўйтепа АББ"
5. ВХ-437 "Тўйтепа АББ-Қайтмас ф/у"
6. ВХ-456 "Бек Барака АШБ-Белонжа АШБ"
7. ВХ-504 "Фазалкент АШБ-Чирчиқ АББ (Бараж)"
8. ВХ-521 "Чирчиқ АББ-Қибрай АШБ-Қибрай туғруқхонаси (Байтқўрган орқали)"
9. ВХ-523 "Октябрь бозори-Мой қишлоғи-Машинасозлар АШБ"
10. ВХ-545 "Чирчиқ АББ-Фазалкент (Енбек)"
11. ВХ-514 й.т. "Чирчиқ АББ-Янгибозор АШБ"
12. ВХ-547 "Марказий шифохона-Хондайлик қишлоғи"

13. ВХ-550 "Фазалкент АШБ-Чимён қўргони"
14. ВХ-581 "Чиноз-Янгибод ф/у"
15. ВХ-586 "Олмазор қўргони-Эшон-обод ф/у"
16. ВХ-587 "Чиноз 1-Чиноз 2"
17. ВХ-588 "Олмазор қўргони-Жанубий вокзал АШБ"
18. ВХ-590 "Кичик ноҳия-Пахта заводи"
19. ВХ-593 "ТошГРЭС-Чилонзор буюм бозори"
20. ВХ-603 "ТМК-2-мактаб"
21. ВХ-605 "С. Нажимов" боғхона пости-чегара блок пости"
22. ВХ-606 "Дўстобод АШБ-Қўйлиқ АШБ (Тошовул орқали)"
23. ВХ-607 "Ўрмон ҳўжалиги-Туман марказий шифохонаси"
24. ВХ-608 "Зафар-Далварзин-Зиёли"
25. ВХ-611 "Мой чегара блок пости-ТошДАУ"
26. ВХ-612 "Битта пакет билан: ВХ-223 "Янгиовул ҚФЙ Чирчиқ АББ"
27. ВХ-506 "Бирлик қишлоғи-Чирчиқ АББ"

28. ВХ-508 "Чирчиқ АББ-Қоратухум қишлоғи"
29. ВХ-551 "Фазалкент АШБ-Чак-чам қишлоғи" (такрорий)
30. ВХ-552 "Фазалкент АШБ-Қизил сув қишлоғи" (такрорий)
31. ВХ-449 "Қўйлиқ АШБ-Ўзбекистон ф/у" (такрорий)
32. ВХ-450 "Тошкент (Жанубий вокзал АШБ)-Паррандачилик фабрикаси" (такрорий)
33. ВХ-469 "С. Раҳимов ф/у-Чорсу савдо маркази" (такрорий)
34. ВХ-482 "Пахтакор АШБ-Келес шаҳарчаси" (такрорий)
35. ВХ-445 "Янгибозор АШБ-Ўрта-сарой ҚФЙ" (такрорий)
36. ВХ-444 "Тошовул қишлоғи-Қўйлиқ АШБ" (такрорий)
37. ВХ-434 "Тўйтепа АББ-Охангарон АШБ" (такрорий)
38. ВХ-426 "Тўйтепа АББ-Ўртасарой-Қўйлиқ АШБ" (такрорий)

39. ВХ-415 "Қизилтоғ қ.-Қўйлиқ АШБ (Олга орқали)" (такрорий)
40. ВХ-416 "Битта пакет билан: ВХ-415 й.т. "Қалмоққир бошқармаси-5/2-кичик ноҳия" (Олмалик ш.)"
41. ВХ-415 й.т. "Қалмоққир бошқармаси-А. Кодирий маҳалласи" (Олмалик ш.)"
42. ВХ-415 й.т. "5/2-кичик ноҳия-А. Кодирий маҳалласи" (Олмалик ш.)"
43. ВХ-415 й.т. "Дельфин оромгоҳи-Кончи ОАЖ" (Олмалик ш.) (такрорий)
44. ВХ-416 "Битта пакет билан: ВХ-258 й.т. "Чиноз маркази-Олмазор қўргони-Эшонобод ҚФЙ"
45. ВХ-292 й.т. "Янгиўл дехқон бозори-Карвон (Ўриқзор) бозори" (такрорий)
46. ВХ-222 й.т. "Янгиўл дехқон бозори-Янги ҳаёт ф/у" (такрорий)
47. ВХ-225 й.т. "Янгиўл дехқон бозори-Қушқор қишлоғи" (такрорий)
48. ВХ-233 й.т. "Янгиўл темир йўл вокзали-Янги ҳаёт ф/у" (такрорий)
49. ВХ-259 й.т. "Янгиўл шаҳар дехқон бозори-Бек Барака бозори" (такрорий)

45. Битта пакет билан: ВХ-230 "Янгиўл АШБ-С. Раҳимов ф/у"
46. ВХ-282 "Янгиўл АШБ-Уали қишлоғи"
47. ВХ-297 "Янгиўл темир йўл вокзали-Фарход бозори" (такрорий)
48. Битта пакет билан: ВХ-287 "Янгиўл АШБ-Олмазор қўргони"
49. ВХ-293 "Янгиўл АШБ-Хўжаобод қишлоғи"
50. ВХ-300 "Янгиўл АШБ-Тошкент (Жанубий вокзал АШБ)" (такрорий)
51. ВХ-477 "Битта пакет билан: ВХ-222 й.т. "8-кичик ноҳия-Пойабзал фабрикаси" (Чирчиқ ш.)"
52. ВХ-529 й.т. "Чирчиқ АББ-Ўзғирма маҳалласи" (такрорий)
53. ВХ-418 й.т. "Қўйлиқ АШБ-А. Навоий маҳалласи" (такрорий)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 17 августдаги 350-сонли, 1999 йил 29 июлдаги 368-сонли, 2011 йил 16 февралдаги 34-сонли ва Тошкент вилояти ҳокимининг 2011 йил 22 февралдаги 49-сонли қарорларига асосан, очик тендерда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидида рўйхатдан ўтган, давлат солиқ хизмати органларида ҳисобда турадиган автомобиль транспортда тегишли равишда шаҳар, шаҳар атрофида, шаҳарлараро, халқаро йўловчилар ташини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияга ҳамда тендер таклифларида тавсия эти-

лаётган ҳар бир автотранспорт воситаси учун лицензия қарточкаларига эга бўлган ҳар қандай юридик шахс қатнашиши мумкин. Ҳар бир транспорт воситасини бит-талаб кўриқдан ўтказиш бўйича белгиланган намунадаги, йўл ҳаракати хавфсизлиги ҳудудий бошқармаси муҳри билан тасдиқланган ижобий ҳулосали далолатноманинг мавжуд бўлиши қатнашичи учун мажбурий шарт ҳисобланади. Тендер қатнашичиси айнан битта автотранспорт воситасини ҳар хил йўналишларга тавсия этишга ҳақли эмас.

Тугатиш ёки банкротлик босқичида турган ёхуд мулкига арест солинган та-

лаборларнинг тендерда қатнашишига йўл қўйилмайди. Тендер қатнашчиларидан Тошкент шаҳрига кириб келувчи йўналишлар бўйича йўналишларга таклиф этиладиган транспорт воситалари автобус ва микроавтобус турида бўлиши талаб этилади.

Тендер таклифотчиси – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 1 ноябрдаги 229-сонли, Тошкент вилояти ҳокимининг 2007 йил 14 ноябрдаги 248-сонли ва 2010 йил 18 октябрдаги 247-сонли қарорлари билан тасдиқланган Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичида) йўналишларда йўловчилар та-

шини ташкил этиш виллоят комиссияси. Комиссия манзили: Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдор кўчаси, 7-уй. Очик тендерда иштирок этишни хоҳловчилар Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичида) йўналишларда йўловчилар ташини ташкил этиш виллоят комиссиясига тендер ҳужжатлари пакетини олиш учун Тошкент вилояти ҳокимлигининг йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш Департаменти

ҳисоб қарамига АТБ "Ўзсаноатқурилишбанк" Қибрай бўлими, х/р 20210000104661167001 (банк коди 00884, ИНН 300625470, ХХТУТ 51600)га 296 минг 730 сўм миқдорда пул ўтказиб, 2016 йил 24 июнь соат 17.00 гача буюртма беришлари лозим.

Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичида) йўналишларда йўловчилар ташини ташкил этиш виллоят комиссияси тендер таклифларини 2016 йил 28 июнь соат 17.00 гача қабул қилади.

Тендер ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдор кўчаси, 7-уй. Маълумот учун телефон: (+99871) 294-29-80.

Реклама ва эълонлар

Мамлакатимизда банк-молия тизимида олиб борилаётган устувор ислохотлар натижасида иқтисодийётимизнинг турли тармоқлари жадал ривожланиб бормоқда. Кичик бизнес ва хусусий

тадбиркорликнинг соҳа тараққиётига қўшадиган ҳиссаси тобора ортаётир. Айниқса, мазкур соҳани молиявий қўллаб-қувватлаш борасида тижорат банклари ҳам фаоллик кўрсатмоқда.



ЭЪТИБОР ВА ИМКОНИЯТНИНГ УЛКАН САМАРАСИ

мизга илҳом бахш этиб, асрий орзу-истакларимиз рўёби уларда намоён бўлаётир, – дейди "Уста Алишер" МЧЖ раҳбари Алишер Аббасов. – Биз, тадбиркорларга давлатимиз томонидан қаратилаётган эътибор, яратилаётган қўлай ишбилармонлик муҳити халқимизнинг турмуш даражасини яхшилаш, обод ва фаровон ҳаётни бунёд этишда муҳим ўрин тутмоқда. Бугунги кунда эндигина касб-хўнар коллежларини битириб, ўз тадбиркорлигини бошламоқчи бўлган ёш ишбилармон ҳам дадил одим билан улкан мақсадлар сари интилмоқда. Буларнинг барчаси мамлакатимизда аҳоли фаровонлигини ошириш, тадбиркорларга имкониятлар яратиш ва ёшларимизнинг ҳеч кимдан кам бўлмаган авлод сифатида воғга етишлари учун амалга оширилаётган кенг саяёҳаракатларнинг улкан самарасидир. Тижорат банк-



лари томонидан истиқболли бизнес лойиҳаларни молиявий қўллаб-қувватлаш ҳам соҳанинг янада тараққий этишига туртки бўлмоқда. Мен ҳам туманимизда аҳолининг гўшт ва сут маҳсулотларига бўлган талабни қондириш мақсадида чорва моллари сотиб олиш учун бизнес-режа ишлаб чиқиб, "Агробанк" АТБ Янгиер филиалига топширдим.

Банк филиали мутахассислари томонидан тижорий лойиҳам атофлича ўрганилиб, 130 миллион сўм кредит маблағи ажратилди. Натижада, гўшт ва сут маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхона очилиб, 15 киши иш билан таъминланди. – Тадбиркор бўлиб, иш бошлаганингиздан сўнг масъулият янада

ортар экан. Мижозлар дидига мослаб замонавий ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, бозорга рақобатбардош маҳсулотларни етказиш буларнинг барчаси катта тажриба, билим, изланиш талаб этадиган жараёндир, – дейди яқка тартибдаги тадбиркор Мансур Тошматов. – Ишни бошлаганимда ана шу жиҳатларга эътибор қаратдим. Бугунги кунда ишбилармон-тадбиркорларимизнинг фаолиятини молия муассасаларисиз тасаввур қилиш қийин. Мен ҳам "Агробанк"нинг Гулистон филиали билан доимий ҳамкорликда иш юритиб келаман. Тадбиркорлигимни йўлга қўйишда ушбу банкнинг кредит маблағи кўл келди. Мебель маҳсулотларини ишлаб чиқариш борасидаги бизнес лойиҳам банк томонидан ижобий баҳолалиб, унга асосан, банкнинг Гулистон филиали 42 миллион сўм кредит маблағи ажратди.

Хулоса қилиб айтганда, "Агробанк" АТБ томонидан бу борада кенг қўламдаги ишлар амалга оширилмақда. Ишбилармон-тадбиркорлару фермер-деҳқонларнинг истиқболли бизнес лойиҳаларини амалиётга жорий этиш ва шу орқали халқимиз турмуш фаровонлигини ошириш, иқтисодийётимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўйиш банк жамоасининг эзгу мақсадиридир.

Хайрулла ХОЛТУРАЕВ,
банк матбуот хизмати ходими.

...Ниҳоят, ҳамма интиқ бўлиб кутган автобус бекатга келиб тўхтади. Бекатда одамлар – эркага аёл, кексаю ёш ўзини бирдай автобус эшигига урди. Бахти чопибми ёки эпчиллиги туфайлими, ишқилиб бир ёшроқ жувон автобусга илдам чиқиб олди. Шунда унинг ортидан ичкарига кирган басавлат эркак тўсатдан унга ўшқириб қолди:

– Онангни уйига ҳовлиқасанми, нега эркак кишини туртсан?!

– Кечирасиз, сезмабман, – деди аёл хижолат тортиб, ўриндиққа ўтираркан.

– Ёнида кап-катта эркак турармишда, бу ойимча сезмасмишлар. Худо беҳабар, эркак кишининг хурмати деган нарсани биласанми, мусулмонмисан ўзинг?!

Агар менинг хотиним бировга суркалиб ўтсинчи...

Қарасам, аёл ҳомиладор экан, у ўзини авайлаб ҳам шошган бўлиши мумкин-ку.

– Амаки, у киши узрли эканлар...

– Оғирроқ бўлса автобусда нима қилади, –

пишиллади ҳалиги киши.

– Уйда ўтирсин.

Во дариг, наҳотки шу одамни ҳам аёл туққан бўлса. Намунча эркаклигини пеш қилиб, кўксига уради. Ёшига қараганда ҳали онаси ҳаёт бўлса керак.

Ривоятларда айтили-

Маънавият

СУЯНСАМ ТОҒ БЎЛИНГ, ОҒАЖОН

шича, тўқайдаги тўнғиз, ҳатто оч қолган йўлбарс ҳам ҳомиладор аёлга озор беришдан ўзини тийар экан. Наҳотки, бани одам зотида шуларчалик ҳам шафқат қолмаган бўлса!

Тушлик қилиш учун ошхонага кирдик. Буни қарангки, навбатда фақат йигитлар. Шу чоқ ёши ўтинқираброк қолган икки аёл кириб келди. Улардан бири навбатсиз овқат узатиладиган тирқиш ёнига борди. Учинчи бўлиб навбатда турган киши уни кузатиб турган экан шекилли, аёлни огоҳлантирди:

– Энди укажон, сизларга эркалик қилаялманда, иккитагина онангизнинг навбатда туриши уятдир.

– Бизнинг ҳам вақтимиз ҳисоб-китобли, ҳаммамиз ҳам ишдаги одамлармиз, – чувиллашди бошқа кишилар ҳам.

Хижолатда қолган аёллар овқатланмай чиқиб кетишди. Тоғни урса талқон қилгудек шу кишилар, наҳотки, иккитагина аёлга илтифот кўрсатишолмади. Бошқача тарбия бўлганида Эди нафақат навбатни бериш, балки уларни ўтказиб қўйиб, хизмат кўрсатишлари ҳам мумкин эди-ку. Бу билан

уларнинг ҳеч қаери қамалмас, аксинча, аёлларга – улар орқали ўз оналари, опа-сингиллари ҳам хурматини изҳор қилган бўлмасмидилар!

Аёл киши ўз оти билан аёл. Нозик қалб эгаси. Ширин сўзга интиқ зот. Уни зарга ўраманг, яхши гапиринг. Қалбидани топиб гапиринг, у

қаралган, уларга сизлаб мурожаат қилинган. Йигитларимиз опа-сингиллари номусини ҳимоя қилиш учун жонларини фидо қилишдан ҳам тоийшмаган.

“Бошингга не бало ёгса бировданмас ўзингдан кўр”, дейди халқимиз. Эҳтимол, аёлларимизнинг бунчалик эзиллиб, илтифотлардан йи-

бутун меҳру муҳаббатини бахшида этишга тайёр. Ҳамиша эркакларга сўяниб, орқа қилиб яшагани келади. Бизда эса бу нарсани унутилиб кетаяпти. Хотин-қизларимизга нисбатан ишлатиладиган ҳоним, бону, яхши қиз, оймим қиз каби илтифотли иборалар умуман истеъмолдан чиқиб кетаяпти. Алам қиладигани, баъзи мусулмончиликдан даъво қилувчи кишиларни аёл зотиға паст назар билан қараши, у билан мутлақо ҳисоблашмаслиги, чаламуллалиги. Ахир қадимдан она, хотин, опа-сингилга ҳурмат билан, беғараз

роқда қолишига уларнинг ўзлари ҳам айбдордирлар. Негаки, ҳуқуқимиз тенглигини рўқан қилиб, эркаклар касбини ҳам, бурчини ҳам ўзлаштириб олдик. Оналик, аёлликдан ташқари бизнесмен, тадбиркор унвонларига ҳам эга бўлдик. Бозор-ўчарни ўз қўлимизга олдик. Натижада, эркакларимиз лоқайд бўлиб қолишди. Хотини эгилиб-букилиб кўтариб келган халта-халта картошка-пиёзларга беҳижолат қарайдиган бўлишди. Эрталаб уй йиғиштириб, боласини боғчага тайёрлаб, нонушта-ни сал кечиктирган хотинларига қайнаб турган

чойни дамлаб олишга кўмаклашиш ўрнига ўшқирини афзал билиб қолишди. Хотини чет элда ишлаб топиб келган пулига машина олиб миншдан уялмай қўйишди.

Нега?! Наҳотки, ўнг юзига тарсаки еган аёл чап юзини тутса, у ёғига ҳам уравериш лозим бўлса! Аёлларга байрамларда гул совға қилишни кўпчилик унутворди. Уйда ширинроқ муомала кўрмаган аёл шўрлик энди кўча-кўйда ҳам кўпол муомалага дуч келаяпти. Натижада, жони қирқта бўлган аёл ҳам сал нарсаси асабийлашади, жижзаки бўлиб қолаяпти. Фақат ўзбек аёлигагина хос бўлган одоб, ҳаё, ибод, назокатни бутунлай унутиб қўяпти.

Аёллар эркакларнинг туғишган сингилларидир, дейилади муқаддас китобларда. Шундай экан, бағрингизни кенг қилинг, танги бўлинг. Кўча-кўйда, транспортда ҳаётингиз мазмунли, умрингиз чироғи бўлган аёлларга беилтифот, носолиқий бўлмаган. Токи биз ҳамиша сизга ишониб, сўяниб яшайлик.

Муҳаббат ҲАМИДОВА.

Спорт хабарлари



ОСИЁ ШАХМАТЧИЛАРИ ТОШКЕНТДА

Пойтахтимизда шахмат бўйича XV Осиё чемпионати бошланди.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Осиё шахмат федерацияси ҳамда мамлакатимиз шахмат федерацияси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур чемпионатда йигирмадан ортиқ давлатдан икки юзга яқин шахматчи ўзаро баҳслашмоқда.

Мусобақанинг очилишида Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда спортнинг барча турлари қатори шахматни ривожлантиришга кўрсатилаётган улкан эътибор самарасида ўзбек шахматчилари нуфузли мусобақаларда юқори натижаларга эришадигани таъкидланди.

Бугун ўзбек шахматчилари халқаро турнирларда мунтазам юқори ўринларни эгаллаб, мамлакатимизда воғга етаётган авлод дунёда ҳеч кимдан кам эмаслиги ва кам бўлмаслигини амалда исботлаб келмоқда. 2015 йили шахматчиларимиз халқаро миқёсдаги мусобақаларда 25 олтин, 8 кумуш ва 12 бронза медални қўлга киритгани бунинг далилидир.

Жорий йилги спорт мавсуми ҳам муваффақиятли бўлмоқда. Яқин мудираси Дилфуза Ризаева 1-Паркент туманидаги “Асл китоблар” дўкони мудири Гулом Қодиров 2-Тошкент давлат аграр университетида қарашли “Китоблар” дўкони мудири Мукаррам Қорахўжаева 3-даражали диплом билан тақдирланди.

Сайёр РИХСИЕВА, “Тошкент ҳақиқати” муҳбири.

Мансур НАХАЛОВ олган сурат.

мат бўйича кумуш медалга сазовор бўлди.

Пойтахтимизда шахмат бўйича биринчи ўзбек гроссмейстери Георгий Аъзамов хотини ривожлантиришга кўрсатилаётган улкан эътибор самарасида ўзбек шахматчилари нуфузли мусобақаларда юқори натижаларга эришадигани таъкидланди.

Сўнгги йилларда мамлакатимиз кўплаб йирик шахмат мусобақаларига мезбонлик қилмоқда. Жаҳон чемпионати ғолиблари Рустам Қосимжонов ва Вишванатан Ананд (Ҳиндистон) ўрта-сидаги ўртоқлик учрашуви, Гран-при мусобақалари ва кўплаб халқаро турнирлар шулар жумласидандир.

Швейцарча тизимда тўққиз турдан иборат мусобақада мамлакатимиз шарафини Рустам Қосимжонов, Марат Жумаев, Жаҳонгир Воҳидов, Темуригонин, Нодирбек Ёқубов, Жаҳонгир Синдор, Нодирбек Абдусатторов, Меҳриддин Йўлдошев, Музаффаржон Эминжонов, Акмал Файзуллаев, Гулрухбегим Тоҳиржонова, Нодира Нодиржонова, Баҳора Абдусатторова, Ситора Сапарова каби иқтидор эгалари ҳимоя қилмоқда. Жаҳонгир ТОШХЎЖАЕВ, ЎЗА МУҲБИРИ.

«ИЖОД ЧИЗГИЛАРИ» СИЗГА ҲАВОЛА

Пойтахтдаги маданият ва санъат кўргазмалар залида “Ижод чизгилари” бадиий кўргазмаси давом этмоқда, деб хабар қилади Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги матбуот хизмати.

Кўргазма

Мазкур кўргазма ёш ижодкорларни қўлаб-қувватлаш, уларга ўз иқтидорларини намойиш этишга кенг имкон яратиш бериш мақсадида ташкил этилди.

Кўргазма экспозициясидан Камолдин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти талабалари, Республика рассомлик коллежи ўқувчилари ҳамда Учтепа туманидаги 8-муқса ва санъат мактаби ўқувчиларининг ранг-тасвир, бадиий кўлолчилик, графика йўналишидаги 100 га яқин асарлари жой олган.

“Ижод чизгилари” бадиий кўргазмаси тасвирий ва амалий санъат асарларидан ташкил топган бўлиб, унда 50 га яқин ёш ижодкорнинг ишлари намойиш этилмоқда.

“Туркистон-пресс”.

Юртбошимизнинг “Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор” деган сўзлари ёшлар орасида тобора оммалашиб бормоқда. Ҳар йили мамлакатимизда ўтказилаётган анъанавий “Китоб байрами”нинг мазмун-моҳияти ҳам миллимизнинг бебаҳо меросини ёш авлод онгига чуқур сингдириш, эртаимиз эгаларини адабиётга, китобхонликка қизиқтиришдан иборат.

Тошкент Давлат аграр университетида вилоят ҳокимлиги, матбуот ва ахборот бошқармаси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими ва бошқа жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида уюштирилган “Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор” ширин остидаги “Китоб байрами” кўтаринки руҳда ўтди.

Университет ҳовлисидаги қатор китоб расталарида тартиб билан териб қўйилган турли мавзулардаги чиройли муқоваланган китоблар бир зум ақлингизни шошириб қўяди. Улуғ аждодларимиз – алломаю мутафаккир олимлар, мумтоз адабиётимиз намояндаларининг номдор китоблари, ўтмишдан, тарихдан сўзловчи бебаҳо асарлар, ўзбек адабиёти намуналари, илмий-сиёсий, маънавий-маърифий, дидактик асарлар, жаҳон адабиёти дурдоналари, қўйингки, барча соҳа вакилларини қизиқтирувчи адабиётларнинг кўплиги ва хилма-хиллиги, китобсевар ёшларимизнинг иштиёқи тадбир ташкилотчиларини

мамнун этди. – Мен ўзбек адабиёти билан бир қаторда жаҳон адабиётига қизиқман, – дейди 3-босқич талабаси Улуғбек Бекнаев. – Бугун-

– Мен ҳам Достоевскийнинг “Жиноят ва жазо” романини олдим, – дейди 1-босқич талабаси Нурмухаммад Йўлдошев. – Лекин, тарихий асарларни

ЁНИМИЗДАГИ МЎЪЖИЗА



ги китоб байрамидан совға қилиб онамга Ўзбекистон халқ ёзувчиси Тоҳир Малик асарларини, ўзимга Чингиз Айтматовнинг “Қунда” романини сотиб олдим...

ҳам севиб ўқийман. Шахсий кутубхонамда Амир Темур, Алишер Навоий, Бобур Мирзо каби аждодларимиз ҳаёти ва ижоди-да доир китобларим таллайгина.

– Дўконимиз ихтисослашган лицейга яқин жойда, – дейди у. – Шунинг учун аксарият китобхонлар илмий адабиёт ва дарсликлардан фойдаланишди. Лекин, бадиий ада-

тиббийетда балхитут меваси иситма хуружини пазайтирувчи, кишига дармон бағишловчи, қон қўпайтирувчи восита сифатида қўлланган бўлса,

шотут мевасидан тайёрланган қайнатма билан чайилса, фойда беради. Булардан ташқари, шотут меваси ҳароратни пасайтириш, чанқоқ қолдириш

бир неча йил сақлаб, сўнгра халқ тилида “шамшод” деб аталган жуда чидамли ва эластик тароқлар тайёрланади. Тут новдаси пўстлогий пишиқ,

қоғоз ва ранг олиш мумкин. Хунармандлар кўрт боқишдан кейин қолган новда ва шохларидан сават, замбил ва енгил стуллар тўқишда фойдаланишади.

Кўриниб турибдики, мамлакатимизда кенг тарқалган ушбу дарахтнинг инсон саломатлиги ва халқ ҳўжасидаги фойдаси катта. Шунинг эътиборига олиб, тутларни асраб-авайлаш ва қўпайтириш мақсада мувофиқ бўлади, деб ўйлаймиз.

Х. АҲМЕДОВ, ТошДАУ ботаника ва агробиотехнология кафедраси доценти. Ш. АБДУРАСУЛОВ, ўқитувчи.

Табиат инъомлари

Тут – жуда қадимий, узоқ умр кўрадиган кўп йиллик дарахт. Манбаларда келтирилишича, Ўрта Осиёнинг айрим ҳудудларида 500-600 йил умр кўрган тут дарахтлари бўлган. Айрим шароитда унинг бўйи 18-22 метрга етиб, шох-шаббалари ёйилиб ўсади.

Хусусан, Бухородаги “Лаби ҳовуз” бўйида 1477 йилда экилган тут дарахти ҳамон “хаёт”. Тутнинг энг аҳамиятли қисми барги бўлиб, ипак куртининг ягона озўқасидир. Ипак курти жонлиши биланок, тут барги билан озўқланади ва пироварида пилла ўрайди. Тут баргида ипак куртининг эҳтиёжини тўлиқ таъминловчи моддалар қанд, оқсил, ёғ, сув, ферментлар ва бошқа

витаминовлар мавжуд. Пилла қимматбаҳо хом ашёлардан биридир. Ундан халқ ҳўжалигининг жуда кўп соҳаларида фойдаланилади. Табиий ипакдан дунёдаги энг ноёб чиройли ва пишиқ газламалар тўқилади. Тут мевасининг тиббийетдаги ўрни алоҳида. Манбаларда тиббийет бо-

бокалони Абу Али ибн Сино тут меваси ширасини оғиз ва томоқ хасталиклари ҳамда чиллашир (иштаҳасизлик) каби дарахлардан давовлаш, пешоб ҳайдовчи омил сифатида қўлланган. Тутнинг сархил барг ширасини ангина ва тиш оғриқларини қолдиришда ишлатган. Бугунги кунда ҳам халқ

пўстлогидан тайёрланган қайнатма яра-чақаларни даволовчи, ўпкани юмшатувчи, балғам қўчирувчи, пешоб ҳайдовчи восита бўлиб хизмат қилади. Шотут меваси чилонжидда меваси билан бир-галикда бўлма ва қизилча хасталиклариға малҳам бўлади. Оғиз бўшлиғи аллиғланиб, яра бўлганда

биян бирга, бўйрак фаолияти ва иммун тизимини яхшилайди.

Тут дарахти жуда мустаҳкам ва чидамли, ўзига хос рангда бўлиб, пардозлаганда жилваланади. Шунинг учун дурдагорчиликда унинг танасидан мебель, ҳар хил ускуна ва чолғу асбоблари ясалди. Тут ёғочини сувда

эгиловчан бўлиб, боғбонлар ток новдаларини боғлашда фойдаланишади. Тут пўстлогидан, ҳатто,



Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи
Ғайрат ШЕРАЛИЕВ

Маълумият: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32. Электрон почта: thaqiqat@mail.ru

Қабулхона: 233-64-95, 233-55-39, 233-58-85 (факс). Бўлим муҳаррирлари ва муҳбирлар: 233-38-23, 233-48-08. Шартнома ва эълонлар: 233-81-21, 233-65-59. Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатта олинган. Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир
Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ
Навбатчи
Муқаддас ИСРОИЛОВА
Саҳифаловчи
Тоҳир МАҲМУДУЖАЕВ